Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 31 май, чоршанба • № 43 (10.719) • Эркин нархда сотилади

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ ЭҲТИЁЖИ

СУРАТДА: учрашув пайти. Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Буюк эврилишлар даври бўлган замонамизда бирор йирик муаммо йўкки, у умумбашарий аҳамият касб этмаган бўлсин. XX аср файласуфи К. Ясперс таъкидлаганидек, эндиликда дунёда рўй бераётган барча воқеалар жаҳон тарихидан алоҳида кечмайди. Чунки, она сайёрамиз ва унда яшаётган халқлар тақдири узига хос яхлитлик, узвийлик пайдо этган.

Шу боис жаҳон ҳамжамияти собиқ Иттифоқ ҳудудида вужудга келган мустақил мамлакатларда кечаётган узгаришларни катта қизиқиш билан кузатмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг Минскда ўтган навбатдаги учрашуви ҳам жаҳон афкор оммасининг диққат марказида бўлди.

МДҲ истиқлолга эришган мамлакатлар, халқларнинг узоқ йиллар давомида таркиб топган алоқаларини бутунлай узиш нотўғрилигини, тарихий узвийликни унутиб бўлмаслигини англаш ҳосиласи, қолаверса, узараётган дунёнинг эҳтиёжи сифатида вужудга келган ташкилотдир. Ў Мустақил давлатлар иқтисодий алоқаларини янги, узаро манфаатли асосда тиклаш имкониятини узида мужассам этгани билан ғоят аҳамиятлидир. Бироқ, ҳали бу имконият тўла руёбга чиқаётгани йўқ.

Ҳозиргача МДҲ давлат раҳбарларининг 17 учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувларда турли соҳаларга оид 500 дан зиёд ҳужжатлар қабул қилинди. Аммо, эришилган аҳдномаларнинг амалга оширилишини назорат қиладиган механизм яратилмагани, гоҳида асосий масалалар четда қолаётгани боис бу ҳужжатлар қоғозда қолиб кетаётир.

Узбекистон Президенти Ислом Каримов Беларусь пойтахти Минскда утадиган навбатдаги учрашув кун тартибига муносабат билдирар экан, унда ҳарбий масалалар кўплигига эътиборни қаратди.

— МДҲ аслида иқтисодий муаммоларни ҳал этишга, ҳамдустликка аъзо мамлакатлар халқлари учун утиш даври қийинчиликларини енгиллатишга, уларга фаровон турмушни тезроқ яратишга кумаклашадиган ташкилот булиши лозим, — деди Президентимиз. — Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар тажрибаси бизга шу йўлдан бориш мақсадга мувофиқлигини курсатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бу фикрини талай мамлакатлар, жумладан, Беларусь раҳбари А. Лукашенко қўллаб-қувватлади.

Олий даражадаги учрашув арафасида яъни, 25 май куни Минскда МДҲга аъзо мамлакатлар чегара қўшинлари қумондонлари кенгашининг мажлиси булиб ўтди. Унда ҳамдустлик ташқи чегараларини биргаликда қўриқлаш, Тожикистонда ва Абхазияда фаолият юритаётган МДҲ тинчликни таъминлаш кучлари ваколат муддатларини узайтириш ва бошқа бир қанча масалалар давлат раҳбарлари муҳокамасига тавсия этиш учун яна бир бор кўриб чиқилди.

26 май куни Беларусь пойтахтидаги ташқи иқтисодий алоқалар уйида ҳамдустликка аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши, бошқа бинода эса МДҲ ҳукумат бошлиқлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Куннинг иккинчи ярмида МДҲ ижроия котибияти биносида давлат раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқлари кенгашларининг биргаликдаги мажлиси бўлди.

Узаро музокаралар чоғида ўнлаб масалалар муҳокама этилди. Кўрилган масалалар ичида давлатлараро валюта қўмитасини тузиш масаласи ғоят муҳимлиги билан ажралиб туради. Бу ҳужжат ҳамдустлик давлатлари иқтисодий алоқалари йўлида жиддий тўсиқ бўлган тўловларни амалга оширишни осонлаштириш имконини беради. Шу сабабли Узбекистон ушбу ҳужжатнинг қабул қилинишини қўллаб-қувватлади. Уруш қатнашчиларини тақдирлаш учун Г. Жуков номидаги медални таъсис этиш ҳамда ҳарбий юкларни ташиш хусусида ҳам Узбекистон мажлис иштирокчилари билан якдил эканини изҳор этди.

Бироқ, МДҲ ташқи чегараларини қўриқлаш масаласида Узбекистоннинг ўзига хос ёндашуви мавжудлиги аён бўлди. Мамлакатимиз МДҲ халқаро ҳуқуқ субъекти эмас, яъни у алоҳида мамлакат эмас, деган фикрга асосланиб, унинг чегараси ҳақида сўз юритиш ножоизлигини таъкидлади. Зеро, ҳар бир мустақил мамлакат ўз чегараларини ўзи қўриқлаши лозим.

МДҲ давлат раҳбарлари Тожикистон ва Абхазиядаги ҳамдустлик тинчликни таъминлаш кучлари ваколат муддатини узайтиришга қарор қилдилар.

Узбекистон раҳбари Тожикистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш зарурлигини яна бир карра таъкидлар экан, масалани ҳарбий йўл билан ҳал этишга уриниш номақбуллигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, дунёда пул тулганса, ер юзининг исталган бурчагида жанг қилишга тайёр бўлган ёлланма аскарлар кўп. Тожикистонда МДҲ кучлари қанча кўпайса, чегара ортидаги жангарилар сони шунча ошиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шундай экан, Тожикистон раҳбарияти муҳолиф томон билан келишган ҳолда тезроқ биродаркушлик урушига чек қўйиш учун барча сиёсий воситаларни ишга солиши керак.

Россия ва Беларусь ўртасида божхона тўсиқларини олиб ташлашга келишиб олинди.

Шу ўринда Узбекистон ва Беларусь ўртасидаги икки томонлама алоқаларга ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Беларусь Президентининг Узбекистонга ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар айни пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— Узбекистон пахтаси енгил саноатимиз корхоналарининг қайтадан ишлай бошлашига, минглаб ишчиларимизнинг иш билан таъминланишига имкон яратди, — дейди Беларусь саноат вазири ўринбосари Н. Бохан. — Бунинг учун ўзбекистонликлардан, мамлакатингиз раҳбариятидан миннатдормиз.

Беларусь пойтахтидаги учрашув баҳонасида биз Минск совутгичлар заводига ташриф буюриб, бу ердаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишдик. Завод қошида маиший совутгичлар ишлаб чиқарувчи «Атлант» бирлашмаси ташкил этилган экан. Айни пайтда бирлашмада замон талабларига жавоб берадиган, рақобатбардошли совутгичлар ва музлатгичлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Мен ҳозиргина бирлашмамизда ишлаб чиқарилган совутгичларни Узбекистонга жўнатиш ҳақидаги шартномага имзо чектим, — дейди биз билан суҳбатда бирлашма ташқи савдо директори В. Досов. — Яқин кунларда Тошкентдаги Марказий универсал магазин ва Бош универсал магазинга 240 дона дастлабки совутгичларни етказиб берамиз. Нисбатан анча арзон ва сифатли маҳсулотларимиз узбекистонлик уй бекаларига манзур бўлишига ишончимиз комил.

Шундай қилиб, ҳамдустлик давлат ва ҳукумат раҳбарларининг ўн еттинчи учрашуви ҳам ниҳоясига етди. Унда МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини 1995 йил ноябрь ойи бошларида ўтказишга келишиб олинди.

Юртбошимиз бу галги учрашув якунлари ҳақидаги саволимизга жавоб берар экан, гарчи айрим аҳдномалар қоғозда қолиб кетаётган ва барча масалаларда якдиллик мавжуд бўлмаса-да, олий даражадаги Минск учрашувининг ижобий жиҳатлари кўплигини алоҳида таъкидлади.

— Халқимизда янги дустдан эскиси афзалроқ, деган гап мавжуд, — деди жумладан Ислом Каримов. — Бу ҳикматда катта маъно бор. Биз яхшиёмон кунларни бирга кечирган, синалган дустлардан воз кечмаслигимиз, улар билан ҳамкорликда, елкадошликда яшашимиз керак. Биз келажагига катта умид билан қараётган МДҲ шундай имконият яратади. Давлатлараро шакланиб бораётган иқтисодий қўмита фаолияти, валюта қўмитаси мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этишга кумаклашади.

Узараётган дунё эҳтиёжи сифатида барпо бўлган МДҲ халқларимиз ишончини оқлайди, деган умиддамиз.

Амирқул КАРИМ,
УзА махсус мухбири.
Тошкент-Минск-Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯ ХОНИМГА

Сизни, ўз элига ҳам, ўзга элларга ҳам бирдай азиз шоирамизни асл донишмандлик фасли — муборак 80 ёшингиз билан самимий табриклайман.

Сиз замонамизнинг забардаст шоири ва жамоат арбоби сифатида Ўзбекистоннинг жарангдор овози бўлдингиз, деб айтсак асло муболаға бўлмайди. Жаҳон минбарларида янграган шеъларингиз — Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолидан ноёб нишонадир.

Муҳтарама Зулфия хоним!

Сиз латиф ижодингиз билан миллионлаб кишиларга эзгулик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ бердингиз.

Ҳаёт сизни ҳар доим ҳам аягани йўқ. Аслида бу ёруғ дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби ҳамманинг ҳам бошида бор, аммо ғам-андуҳларни матонат билан маҳв этган, армонларидан тирик орзулар яратган, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо рамзига айланган сиз каби аёллар жуда кам топилади.

Сиз Гулбаданбегим, Зебунисо, Увайсий, Нодирабегим каби Шарқнинг буюк фозила аёллари бошлаган анъаналарни бойитиб, янги поғонага кўтардингиз. Меҳрибон ва талабчан устоз Зулфияхонимнинг маҳорат мактабидан кўплаб ёш истеъдодлар баҳраманд бўлдилар.

Истиқлол руҳи сизни, ижодингизни янада яшартириб юборди. Мафтункор шеъриятингиз ёшлик нафаси билан қайта учқунланди.

Сизнинг, эл ардоғидаги етук ижодкор, моҳир таржимон, атоқли ношир-муҳаррир ва жамоат арбобининг таваллуд куни миллий байрам сифатида нишонланиши мустақил давлатимиз ҳаётида катта воқеа. Бу қутлуғ сана истиқлол замонида, ёруғ кунларда ўтаётган миллионлаб мухлисларингизнинг қувончига қувонч қўшиши жуда табиийдир.

Шундай эзгу лаҳзаларда сизни яна бир бор чин дилдан муборакбод этаман.

Улуғ халқимизнинг севимли шоирасига, муҳаббат ва ҳаёт куйчисига мустаҳкам соғлиқ, ижод ва илҳом завқи доимо ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Узбекистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЛАТВИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманиснинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 6-7 июнь кунлари давлат ташрифи билан Латвия Республикасида бўлади.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

30 май куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё-Америка кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бошқаруви раиси С.Соларз раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Президент меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, кичик ва ўрта тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

— Ўзбекистон ҳозирги пайтда кўплаб ривожланган давлатлар, жумладан, Америка Қўшма Штатлари билан ҳам самарали иқтисодий ҳамкорлик қилмоқда, деди Ислом Каримов. — Яқиндагина ишга тушган «Зарафшон-Нюмонт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бунинг яққол мисолидир. Мамлакатимизда жаҳоннинг йирик банклари, молиявий ташкилотлар, сармоядорлар ўз ваколатхоналарини очган. Яратилган қулай шарт-шароит хорижий ишбилармонларнинг юртимизда фаолият кўрсатишига катта имкониятлар очмоқда.

С.Соларз самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, мамлакатимизда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш йўлида Ўзбекистон раҳбарияти амалга ошираётган ишларга юксак баҳо берди. Ўзи бошқараётган жамғарманинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги яхши натижа беришига ишонч билдирди.

Учрашувда республика Бош вазирининг ўринбосарлари Ў. Султонов, В. Чжен ҳамда Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди.

Қабул маросимида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Ли Кларк ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Дастлабки меҳнат зафарлари

ХИРМОНИНГИЗ БАРАКАСИНИ БЕРСИН

Душанба — 29 май куни эрталаб телефон жиринглаб қолди.

— «Тошкент ҳақиқати»ми? Бекобод тумани бош пиллахонасининг раҳбари Абдурауф Бобоевман. Иложи бўлса иккитагина хабарни эълон қилсангизлар. **«Хос» жамоа хўжалиги 160 қути қурт уруғидан 9 тонна сифатли пилла бериб, режасини бажарди.** Илғор пиллакорларнинг номларини ҳам ёзиб қўйсангиз. Муборак Носированинг оиласи 1,5қути қурт уруғидан 125 килограмм, Мовлис Бойназаровнинг оиласи эса 121 килограмм пилла топширди. **Абдураззоқ Мавлонов номли жамоа хўжалигидан ҳам ҳозиргина ваъдага вафо қилинганлиги тўғрисида хушхабар келтиришди**. Бу хўжалик пиллакорлари 255 қути уруғдан 11 тонна 218 килограмм хирмон уйишибди. Ширин Қаландарованинг оиласи 1,25 қути уруғдан 105 килограмм ҳосил топшириб, биринчиликни олди. Бу хўжаликлар пилла топширишда давом этяпти.

— Туманда аҳвол қандай?

— Шу кунгача 83 тонна пилла қабул қилиб олдик. Ҳар куни сурьат 21 тоннага етяпти. Кечаги куни ҳисоб-китоб қилиб чиққандик. Ҳар бир қути уруғдан олинаётган ҳосил 53 килограммданга тўғри келяпти. Режани 58 фоиз қилиб бажариб қўйдик. Сурьат шу тарзда давом этса яна икки-уч кундан сўнг маррага етамиз.

...Орадан кўп ўтмай яна телефон жиринглади. Бу гал Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалигидан хушхабар йўллашди.

Вилоят ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош агрономи Абдураҳим АЗИЗОВ вилоят бўйича пилла терими ва топширишнинг бориши ҳақида қуйидагиларни маълум қилди.

— Бу йил жами 1200 тонна пилла ҳосили териб олиниши лозим, — деди у. — Шу кунгача салкам 250 тонна ҳосил қабул қилиб олинди. Кунлик суръат 79 тоннага етяпти. Чиноз тумани пиллакорлари пилла топширишда карвонбошилик қилишяпти. Улар 79,1 тонна ҳосил топшириб, шу кунгача режани 70 фоизга бажариб қўйишди. Шунингдек Бекобод, Янгийўл туманлари пиллакорларининг ҳам суръатлари тез. Хўжаликлардан илғор пиллакорларнинг номларини оляпмиз. Агар мумкин бўлса, уларни газетхонларга таништирсангизлар...

МАНА, ВИЛОЯТНИНГ БИРИНЧИ БЎЛИБ МАРРАГА ЕТИБ КЕЛГАН ПИЛЛАКОРЛАРИ:

Оққўрғон туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигидан Алишер ЖАББОРОВ.

Шу тумандаги «Гулистон» жамоа хўжалигидан Зулфия ЭРГАШЕВА, уларнинг ҳар бир қути уруғдан олган пилласи 72—74 килограмм тош босди.

Чиноз туманидаги «Гулзоробод» жамоа хўжалигидан Сарвар НАЗИРОВА,

Шу тумандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан Хуршида БОЙНАЗАРОВА,

«Йўлтушган» жамоа хўжалигидан Илҳом ТУРСУНБОЕВ оиласи 1,5 қути қурт уруғидан 108—110 килограммдан хирмон уйди.

Пискент туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигидан Малика ХОЛБОЕВА, Мукаррам ЎРИНБОЕВА.

Шу тумандаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан Янглиш ҲАМДАМОВА,

«Туркистон» жамоа хўжалигидан Элбек БЕЙСЕНБОЕВ оиласи 90—100 килограммдан пилла топширди.

Бўка туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигидан Раҳима ТУЁҚОВА,

Шу тумандаги «Гулистон» жамоа хўжалигидан Файзулла НИЗОМИДДИНОВнинг оила аъзолари ҳар бир қути уруғдан 60—100 килограммдан «кумуш тола» топшириб, пешқадамлик қилмоқдалар.

Хирмонингиз бундан ҳам баракали бўлсин!

Р. ТУРСУНОВ.



Бу йилги мавсумда Юқоричирчиқ туманида 1942 хонадонга 2850 қути қурт уруғи тарқатилди. Ўз касбининг ҳадисини олган миришкорлар пилла топширишни ғуҳшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Биринчи куниёқ туман бош пиллахонасига бир тоннадан ортиқ «кумуш тола» келиб тушди. Торозибон Саттор Нуртоев ва лаборант Гулчехра Турдиалиевалар ҳосилни тўхтовсиз қабул қилмоқдалар.

«Политотдел» жамоа хўжалиги миришкорлари туманда биринчи бўлиб пилла топширишни бошлаб бердилар. Хўжаликнинг «Болта» участкасидан Аюмша Маменова, Дариха Абдураҳмонова ва марказий участкадан Муҳаммад Айтаевлар ҳар қути қурт уруғидан 110-120 килограммдан ошириб пилла топшириб, хирмонга барака киритдилар.

СУРАТЛАРДА: (юқорида чапдан) уста пиллакорлар Ойша Маменова, Дариха Абдураҳмонова; (пастда) Янгибозор бош пиллахонасида ҳосилни қабул қилиш пайти.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Биринчи хушхабар — Янгийўлдан

Тумандаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги вилоятда биринчи бўлиб давлатга пилла топшириш режасини ортиғи билан бажарди.

Хўжаликда бу йил режадаги 15 тонна ўрнига 20 тонна пилла етиштирилди. Ҳар қути қурт уруғидан 70 килодан хом ашё олинди. Хўжаликнинг бу катта хирмонига 1, 6, 10, 15-звенолари аъзолари баракали улуш қўшдилар.

Албатта, ҳар йилгидек илғор пиллакорлар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан ўрнак бўлдилар. Жумладан, Мавлуда Носирова, Тоҳир Тўлаганов, Лола Ҳамидова, Муҳаббат Саримсоқова, Мирзаахмад Тошев, Бектурғун Арслоновлар ҳар қути қурт уруғидан 90-130 килограммдан ошириб ҳосил олишга эришдилар.

Куни кеча тумандан яна икки хушхабар олдик. Абдулла Ортиқов номли ва «Дўстлик» жамоа хўжаликларида ҳам пилла тайёрлаш режаси бажарилди.

Янгийўллик пиллакорлар давлатга қимматли хом ашё топшириши қизғин давом эттирмоқдалар.

А.РИҲСИБОЕВ.

ШУ СОНГА • ШУ СОНГА • ШУ СОНГА

КЕЧА таҳририятимизга Бекобод туманидаги Навоий, Улуғбек номли, «Турон» жамоа хўжаликлари, шунингдек Чиноз туманидаги «Гулзоробод», «Дўстлик», Навоий номли жамоа хўжаликлари ҳам давлатга пилла топшириш режасини бажарганликлари ҳақида хушхабар етказдилар.

Шундай қилиб вилоятда кечаги кунга қадар пилла режасини бажарган ва қўшимча хомашё топшираётган хўжаликлар сони 9 тага етди.

Барча туманлар, хўжаликларда пилла тайёрлаш ва давлатга топшириш қизғин давом этмоқда.

ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

«Бир ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак: Ўзбекистон тақдири — бу Қозоғистоннинг тақдири, қозоқ халқининг келажаги — ўзбек халқининг ҳам келажагидир».

И. КАРИМОВ.

БЕШ кун давомида Қозоғистонда бўлиб ўтган «Ўзбекистон кунлари» ўзининг мазмун-моҳияти билан йилларга татигулик из қолдирди, десак хато бўлмайди. Бу ўзига хос дўстлик байрами ҳар бир иштирокчида улкан маънавий туйғу уйғотди, янги ҳамкорликларга асос солди, икки қардош биродарни бир-бири билан янада яқинлаштирди. Зеро, икки мустақил давлатда ўзаро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи бундай йирик тадбирни ўтказишдан мақсад ҳам аслида шу эди.

ЎЗБЕК ва қозоқ халқларининг тарихи, кечмиши, туриш-турмуши бир-бирига жуда яқин. Бу икки халқнинг хатто ери, суви, йўллари бир-бирига туташиб кетган. Одамлари азалдан оға-ини, қуда-анда. Агар Тошкент вилоятида икки ярим миллиондан кўпроқ аҳоли истиқомат қилса, шуларнинг 13 фоизга яқини қозоқлардир. Қозоқ фарзандларининг билим олишлари учун 64 та алоҳида қозоқ мактаблари, юзга яқин мактабларда эса махсус қозоқ синфлари фаолият кўрсатиб турибди. Вилоятимизда яшаб, юрт равнақи учун астойдил хизмат қилаётган уста пахтакор Комил Қўлдошев, хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Тожибек Боирбеков, хизмат кўрсатган ўқитувчи Жамила Бексултонова ва бошқаларнинг номларини бу ерда ҳурмат билан тилга олишади.

— Жондош ва қардош, илдизи бир бўлган халқларимиз ўз анъаналари, урф-одатлари ва маросимларини ўрганишда ва кенг тарғиб қилишда яқин ҳамкорлик қилаётганликларини кўриб қувонмай бўладими, — деди Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев Жанубий Қозоғистон вилоятидаги учрашувлардан бирида. — Бизнинг вилоятимизда «Айтис», «Аул» сингари қозоқ халқ байрамлари ўтказиб турилса, қардошлар диёрида «Наврўз» байрамлари жуда катта шодиёна билан нишонланади. Бунинг маъноси жуда чуқур. Бизнинг олдимизда эса бир-бири билан елкама-елка яшаётган, қондош ва жондош бу икки халқнинг ўзаро дўстлик, тотувлик, оға-инилик ришталарини янада мустаҳкамлашдек катта ва масъулиятли вазифа турибди. Шунинг учун ҳам қаерда бўлмайлик, ҳар томонлама — иқтисодиёт, саноат, савдо, маданият, фан ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида фойдали учрашувлар ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз. Бу эса давлат раҳбарларимиз томонидан илгари сурилган ягона иқтисодий ҳудудни барпо этиш ҳақидаги шартномага амалий жавоб бўлади.

Дарҳақиқат, Жанубий Қозоғистонга вилоятимиздан борган «Ўзбекистон кунлари» иштирокчилари вилоят меҳнаткашларининг бугунги ҳаёти, ютуқлари, иш тажрибалари, келгусидаги режалари билан яқиндан танишишга интилдилар. Дунё микёсида саноқли ўринлардан бирини тутадиган, ҳозирда жуда кўплаб давлатларга ўз маҳоратларини таклиф этаётган «Олма» акционерлик жамиятидаги учрашув ана шундай фойдали мулоқотлардан бири бўлди. Ҳикоя қилишларича бор-йўғи 45 кун ичида қуриб битказилган заводнинг хориждан келтирилган асбоб-ускуналари учун олти миллион доллар сарфланган. Бу ерда ҳозир жаҳон стандартида олма шарбатлари, томат пастаси, болалар учун хушбўй ичимликлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда завод жуда катта мустақил фирмага айлантирилган. Фирма раҳбарлари делегация аъзоларини Италия ва Германия билан ҳамкорликда қурилган бу заводнинг келажаги катта эканлигига ишонтирдилар, зарур бўлса, Тошкент вилояти билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини изҳор қилдилар. Қазиғурт туманидаги «Қоплонбек» агрофирмаси, «Массақ» акционерлик жамиятидаги учрашувлар ҳам қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

«Ўзбекистон кунлари» дастурига асосан меҳмонларнинг Ҳожа Аҳмад Яссавий, Иброҳим ота, Қорасоч она, Исмоил ота сингари улуғ аждодларимиз зиёратгоҳларида бўлиши бежиз танланмаган эди. Бу табаррук аждодларимиз ўз умрлари давомида фақат яхшиликни, покликни, илмни, дўстликни, иймон-эътиқодни тарғиб қилдилар. Айни пайтда уларнинг ҳокини кўзларига суртиш учун, ниятлари бажо бўлиши учун қўшни республикалардан, ҳатто дунёнинг бир қанча мамлакатларидан зиёратчилар келиб туришади. Биз Иброҳим ота зиёратгоҳида тасодифан бир гуруҳ фарғоналик онахонлар билан учрашиб қолдик. Улар Иброҳим ота қабрига чиқаверишда «етказганга шукрлар» қилишар, кўз ёш билан мозор тупроғини кўзларига суртишарди. Тиловат ўқилгандан сўнг онахонлар билан суҳбатлашдик.

— Биз улуғ бобомиз Яссавийни, унинг отаси Иброҳим ота, онаси Қорасоч онанинг ётган ерларини зиёрат қилишни кўпдан орзу қилардик, — дейди марғилонлик Адолат ая Абдуллаева. — Худога шукр, мана, ниятимизга етдик. Йўлларимизни очиб қўйгани учун, икки халқ борди-келдисини яхшилаётгани учун иккала Президентга, айниқса Ислом Каримовга минг раҳмат. Бизга ҳеч қайси халқларникига ўхшамайдиган меҳр-оқибати катта роль ўйнаганини алоҳида таъкидлашди.

Ҳа, байрам мезбонлар учун ҳам, меҳмонлар учун ҳам кутилганидан зиёда хурсандчилик билан ўтди. Айниқса, Жанубий Қозоғистон тупроғида яшаётган ўзбек биродарларимизнинг ҳаяжонини, дил изҳорларини таърифлаш мушкул. Кентов туманидаги маданият саройида катта концерт берилаётган пайтда бир аёл бизни сўраттирди. Вақт ажратиб, у билан суҳбатлашдик. Бу аёл шифокор Комила Сулаймонова экан.

— 1963 йили Тошкентдаги олийгоҳни битиргач, йўлланма билан шу ёққа келиб, бутунлай қолиб кетдим, — дейди у ҳаяжон билан. — Турмуш ўртоғим билан 5 фарзандни улғайтирдик. Ҳаммалари ўқимишли. Ҳаётимдан нолимайман. Туманимизга «Ўзбекистон кунлари» қатнашчилари келишини эшитибоқ, ниҳоятда хурсанд бўлиб кетдим. Бугунги кун мен учун энг мазмунли кунлардан бири бўлди. Ишқилиб, икки халқнинг бирлиги мустаҳкамланаверсин. Борди-келдиларимиз узилмасин. Тошкентда қариндош-уруғларимиз бор. Сизлар орқали улар билан дийдорлашгандай бўлдим.

Тўлаби туманида Султонобод деган қишлоқ бор. Одамлари меҳнаткаш, меҳмондўст, хушчақчақ. Кутилмаганда журналистларни бир гуруҳ шу қишлоқлик отахонлар суҳбатга таклиф этишди. Бир пиёла чой устида дилларидаги ниятистакларини айтиб, уларни матбуот орқали ўзбекистонлик биродарларга етказишларини илтимос қилишди.

— Тўртовлон тугал бўлса унмаганни ундирар, олтовлон ола бўлса оғзидагин олдирар, деган гап бор, — дейишди отахонлар Жанубий Қозоғистон вилояти маъмурияти раҳбари Завудбек Турисбековнинг мана бу фикрида эса кўпчиликнинг нияти мужассам:

— Халқларимизда, гилам сотсанг қўшнигга сот, бир четида ўзинг ўтирасан, деган доно гап бор. Бизнинг вилоятимиз билан Тошкент вилоятини бирлаштириб турадиган жиҳатлар азалдан мужассам. Бизнинг Сариоғоч туманимиз билан Тошкент туманини олиб кўрайлик. Бу икки туман аҳли битта ариқдан сув ичади. Бир тоғ ошсак — Чирчиқ. Хуллас, саноатда ҳам, иқтисодиётда бир-биримизга ишимиз тушади ва ҳозиргача бу ҳамкорликка путур етгани йўқ. Насиб этса, бундан кейин ҳам ўзаро алоқаларимизни янада ривожлантирамиз.

Албатта, куйсиз, қўшиқсиз байрам байрам эмас. «Ўзбекистон кунлари»да Алишер Навоий номли опера ва балет театри қошидаги «Сўғдиёна» халқ чолғу асбоблари оркестри, Қибрай туманида фаолият кўрсатаётган «Шалола» ашула ва рақс ансамбли, эстрада хонандаси Азим Муллахонов раҳбарлигидаги «Нола» гуруҳи аъзолари шинаванда қозоқ халқининг азиз меҳмонлари бўлдилар. Улар ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар, рақслар ҳар бир даврада олқишлар билан қарши олинди.

— Бизни қардошларимиз очиқ чеҳра, ширин сўз билан кутиб олишди. Энг муҳими, бизнинг камтарингина санъатимизни бу едаги мухлислар яхши қабул қилди, — дейди Азим Муллахонов. — Биз бу ердаги ҳамкасбларимиз билан келгуси ишларимизни режалаштириб олдик. Бир неча концертларга гуруҳимизни таклиф этишяпти. Насиб этса, албатта келамиз. Ўзаро ижодий ҳамкорликнинг ривожланиши учун ҳам бундай дўстлик байрамларининг бўлиб тургани яхши.

Хулоса қилиб айтганда, Жанубий Қозоғистон вилоятида «Ўзбекистон кунлари» доирасида бўлиб ўтган учрашувлар икки халқнинг келгусидаги ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳисса қўшишига ҳеч шубҳа йўқ. Қозоғистонлик шоир ёзганидек:

Бошга кулфат булути соя солса дўст керак,
Бор умиду-нажотинг ҳам йўқолса дўст керак.
Номардлар мағлубингдан қилсалар роҳат, ҳузур,
Ғойибона эзилиб, дард чеколса дўст керак.

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Тошкент — Чимкент — Тошкент.

БИР-БИРИГА СУЯНГАН ХАЛҚ — БУ!

• Суратларда: Жанубий Қозоғистонда бўлиб ўтган учрашувлардан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



8-9 июнда Тошкентда халқаро китоб ярмаркаси ўтказилади

КИТОБЛАР ДИЛЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРАДИ

«Ўзтошкитоб» бирлашмаси бош раҳбари Аваз Аббосович Ғуломовнинг иш хонаси айни кунларда ўзига хос кўргазмани эслатади. Чиройли муқовали, ранг — баранг безакли турли тилларда, турли жанрлардаги босма асарлар. Уларнинг муаллифлари, қаерда чоп этилгани билан қизиқамиз: Алмати, Бишкек, Душанбе, Ашхобод... бадиий асарлар, фантастика, тарих ва маданиятга оид, болалар адабиётлари, ҳар хил каталоглар, Республика китоб савдоси ташкилотининг янги раҳбари хонасига турли вилоят китоб савдоси вакиллари, ноширлар кириб-чиқиб туришибди. Бундай қизғин ҳолат ва ғайритабиий манзаранинг сабабини изоҳлаб беришни бирлашма раҳбаридан сўраймиз.

— «Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги кунниг энг долзарб масаласидир. Бугун кенг жамоатчилик вакиллари, биринчи навбатда ижодкор зиёлилар — ёзувчилар, тарихчилар ва бошқаларнинг бундай муҳим, ҳаётимизни, тақдиримизни ҳал қилувчи масалага эътиборини, ташаббусини жалб этиш вақти келди», деди Ўзбекистон Президенти республика Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида. Юртбошимизнинг бу сўзлари бизнинг бундан буёнги иш дастуримизни белгилайди. Ана шундан келиб чиқиб, шу йил 8-9 июнь кунлари китоб ярмаркаси ташкил этишга қарор қилдик. Марказий Осиё мамлакатлари ноширлари, ёзувчилари, китоб савдоси ходимлари иштирок этадиган бу ярмарка «Ўзтошкитоб»нинг республика базасида ўтади. Ҳозир қоғоз ва китоблар тақчил бўлган бир пайтда бу тадбир ўз самарасини беради, деб ўйлаймиз. Чунки нашриётларимиз ҳар қанча ҳаракат қилмасин, китобхонлар эҳтиёжини тўла қондира олмаяпти. Айниқса, мактаб дарсликлари ва турли қўлланмаларга талаб катта. Ўзбекистондаги қозоқ, тожик ва бошқа тилларда дарс олиб бориладиган мактабларнинг талабалари учун миллий тиллардаги дарсликлар жуда зарур. Қўшниларимиз билан бу борада китоблар айрибошлаш муаммони ҳал қилишга ёрдам беради, деб ўйлайман.

Китоб ярмаркаси муносабати билан Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси бошчилигида ранг-баранг дастур ишлаб чиқилди. Унда ноширларимиз, Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятлари китоб савдоси ташкилотлари, ёзувчилар, меҳмонлар билан биргаликда ўзаро учрашувлар ўтказиб, ўзаро алоқаларни кенгайтириш йўлларини ўртоқлашадилар, ўз мулоҳаза ва таклифларини айтадилар. Ярмарка иштирокчилари учун турли маданий тадбирлар ҳам ишлаб чиқилган. Меҳмонлар Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрадилар, муаллифлар, ноширлар ҳамда китобхонларнинг қизиқарли учрашувлари ўтказилади. Ўзаро китоб айрибошлаш юзасидан шартномалар тузилади.

Халқаро китоб ярмаркаси аҳолига китоб савдоси хизмати кўрсатишни яхшилабгина қолмай, азалдан бир-бири билан дўст, қардош Туркистон замини халқларини яқинлаштиришга хизмат қилади.

С.МУСАЕВ.

«Ўзгеолбанк» тижорат банки

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!
«Ўзгеолбанк» тижорат банки иштирокчиларининг навбатдан ташқари йиғилиши «Ўзгеолбанк» тижорат банки биносида 1995 йилнинг 31 майида бўлиб ўтади .
Манзилгоҳимиз : Шевченко кучаси, 11-уй
Эрталаб соат 9.00 да иштирокчиларни рўйхатга олиш бошланади.
Йиғилиш соат 10.30 да бошланади
Кун тартиби :
1.« Ўзгеолбанк» тижорат банкини ҳиссадорлик банкига айлантириш.
2. Низом ва Таъсис шартномасини тасдиқлаш
3.Бошқарув идораларини сайлаш
Маъмурият

ЭЛ АРДОҒИДАГИ ШОИРА

КЕЧА «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА СЕВИМЛИ ШОИРА ЗУЛФИЯНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИ

ЗУЛФИЯ
Ўзбекистон халқ шоири

СЕНИ КУЙЛАЙМАН ҲАЁТ

Яшаш азиз ҳисси танда кезганда,
Умр кўпи кечиб, армон дилни эзганда,
Ҳатто ўзни хаста, заиф сезганда,
Оғир, бенаф ўйдан юрак безганда
Сени куйлайман, ҳаёт!

Ҳар саҳфанг ўқилгич, янги бир китоб,
Ўтмишими, эртами, туғилар ҳар боб —
Яшаш ва ёзишга қилганда хитоб,
Сукут ҳижолатин енгмоқ азмида
Сени куйлайман, ҳаёт!

Ҳар фасл бир ажиб тароват тўкса,
Тўкин куз ҳосили шохларни букса,
Янги ризқ-ёмғир, қор тоғларга чўкса,
Баҳор гулин кўзга суртмоқ азмида
Сени куйлайман, ҳаёт!

Сен ўзинг кун сари ўсган фарзандим,
Гоҳ чақноқ шодлигим, гоҳ аччиқ зардим.
Меҳнат зафарларим, бешифо дардим,
Дўстдан меҳр — мактуб кутмоқ азмида
Сени куйлайман, ҳаёт!

Сенинг ўзинг ширин ва тансиқ туҳфа,
Ҳар умр бахт шонин ўйғурар супра,
Йўғурмоқ минг тахлит ва минг бир турфа;
Бу мактабни қайта ўтмоқ азмида
Сени куйлайман, ҳаёт!

Куйлайман, куйламоқ кун сари мушкул,
Мен сенман, сен менинг борлигим буткул.
Елкамга юк ортиб, қўлимдан тутгил,
Бу бахтни назмга тўкмоқ азмида
Сени куйлайман, ҳаёт!

САҲАР МЕН БИЛАН...

Кундан-кун саҳарга ортар соғинчим,
Наҳот ҳаёт шомин яқинлиги бу?
Салқин оромида йўқолар тинчим,
Демак, шафақ мен-чун ёлқинлиги бу!

Наҳот умримдаги саҳарги завқлар,
Тарк этиб излайман саҳардан нажот?
Бирдай эмасмиди йил, фасл, вақтлар,
Недир ўтиб, недир келмайди наҳот?

Саҳар бу ёшликдай борлиғи орзу,
Саҳар ўқилмаган ғаройиб китоб.
Наҳот умр олиб қўлга тарозу
Мендан кутар ҳалол, аниқ сарҳисоб?

Тўхта!
Нечун йиллар палласи вазмин,
Умрим эмасмиди ҳаётдан туҳфа?
Сарҳисоб чоғда ҳам ўзимда изин,
Посангисин ростлаш пайтимас, тўхта!

Кун фақат саҳармас, кундуз, шоми бор,
Кеч пишар мевалар озми тупроқда?
Тўхта!
Тарозуга қўярдек куй бор,
Ҳали саҳар сиёқ яшноқ дил-боғда.

Мен ахир саҳар чоғ таваллуд топдим,
Онам кўкси, азиз юртим ҳам саҳар.
Шеърга дил, дафтарни саҳарлар очдим,
Эслайман:
Тонгланди севги қўйнидан
Мени тоғдан оғир ҳижрон ҳам саҳар.

Бугун шом устидан ял-ял кулажак
То умр борича саҳар мен билан.
Ҳар кун менга саҳар туҳфа этажак
Халқим юрагига сафар мен билан.

Шеър каби мунис,
Шеър каби мардона

ҚАЛБ

Ўзбек халқининг қаҳрамон қизи, ардоқли ва севимли шоираси Зулфия ҳақида лутф қилиш мен учун баҳт фахрли ҳам масъулиятлидир. Улуғлар ҳақида улуғ сўз айтмоққа жасорат керак, унга муносиб бўлмоқ даркор...

Зулфия опа менинг ҳаётимга қачон кириб келдилар?

Мен ҳали мактаб ўқувчиси эдим. Собиқ «Ўзбекистон хотин-қизлари» («Саодат») ойномасига юборган илк машқларимга шаҳсан Устознинг ўзлари қуйидагича мактуб йўллабдилар:

«Сизнинг шеъриятга бўлган қизиқишингиз мени қувонтирди. Аммо олдиндан айтиб қўяй; шоиранинг йўли беҳад сермашаққат йўл. Бунинг уддасидан чиқасиз, деган умиддаман».

«Уддасидан чиқасиз»... Мана шу рағбат билан айтилган мухтасаргина икки дона сўз менинг тақдиримда бурилиш ясади, ҳаёт йўлимни, яшаш тарзимни белгилади, юрагимдаги учқунларни алаҳгалантирди, ижодий қанот боғлади.

Устоз шоирани «юрагимга яқин» қилган яна бир сабаб унинг нозиктаъб ва теран, дардли ва нурли, руҳан бардам ва маънавий бой, ўрик гулларининг атридек нафис шеърияти бўлди.

Дастлаб Зулфия опанинг умр йўлдоши , ўзбек адабиётининг дарғаларидан бири улкан шоир Ҳамид Олимжонга бағишлаб ёзган асарлари мени оҳанграбодан ўзига тортди. У пайтларда мен энди вояга етган ўсмир, лирик шеърларни қўймай ўқиб юрадиган чоғларим эди. Чуқур меҳр-муҳаббат ила суғорилган чўғдек ёниб турган самимий шеърларни ўқиган одам назаримда олов юракли, покидомон, садоқатли бўлиб қайтадан дунёга келади ва соф севгини нечоғлик эъзозлашга, қадрлашга, уни оламдаги барча нарсадан устун тутишга ўргатади. Шундан сўнг Зулфия имзоси билан чиқадиган ҳар бир шеър мен учун азиз ва қувончли бўлиб қолди.

Университетда ўқиб юрган талабалик йилларимда эса Шоира билан янада яқиндан мулоқот қила бошладим. Ойнома дарғоси биз ёш қаламкашлар учун олийгоҳ вазифасини ўтарди.

Мен нима учун ойнома ҳақида эслаяпман. Чунки Зулфия опанинг 30 йиллар чамаси умрлари ва фаолиятлари шу ойнома ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Уларни бир-биридан ажратиш тасаввурга мутлақо сиғмас ҳол. Бу даврда қанчадан-қанча ижодкор аёлларнинг — етишиб чиққани, бу макон — ижод манбаи ва бунда бош муҳаррирнинг фидойи меҳнати нақадар буюк эканлигини сезмаслик мумкин эмас.

Устоз ҳар биримизнинг матбуотда эълон қилинган машқларимизни диққат билан кузатар ва ўз таассуротларини дарҳол билдирардилар. Айниқса қўнгилбоп шеър ўқиган кунлари кайфиятлари ҳам ўзгача, кўтаринки бўлиб, унинг муаллифини чорлаб табриклар, ўпиб иссиқ бағирларида Она каби эркалардилар.

Албатта бундай эъзоздан кейин кимнинг яхши шеър, яхши асар ёзгиси келмайди дейсиз...

Шоира бўлиш мумкин, устозлик ҳам қилиш мумкин. Аммо мукаммал ҳазрати инсон бўлмокни Оллоҳ ҳамма бандасига ҳам насиб этавермайди.

Зулфия опанинг оқилона боқишларидан ҳам, расо бўй-бастларидан ҳам фаришталарга нур ёғилиб туради. Кимдир Опани мағрур дейди, кимдир камтар, дейди. Ҳар иккаласи ҳам Зулфия опага ярашиб, фазилатга айланади. Мағрурлик — улуғворлик, камтарлик — олийжаноблик касб этади. Жисмоний гўзаллик, маънавий чирой, нуроний назар латофат, ақл-заковат, нозик таъблик, мустаҳкам эътиқод, букилмас ирода , меҳр-оқибат сифатлари жамулжам Инсон баркамол шахсни яратади. Кийинишдан тортиб, қадам босишгача, сўзлашдан бошлаб ҳатти-ҳаракатгача эътибор берадиган ва ўзи ҳам шунга риоя қиладиган бу зот барча ўзбек аёлларига ибратга лойиқ.

Зулфия опа билан учрашувга мен одатда узоқ тайёрланаман. Уйларида «Юракларига яқин» шоира, бастакор, адиба, олималар қатори мен ҳам тез-тез меҳмон бўлиб тураман. Бориб келган куним ўзимни қушдек сезаман, фикрим тиниклашади. Йўлим ойдинлашади, хуллас руҳимда байрамона кайфият чарх уради.

Суҳбатимиз мавзуи ранг-баранг. Энг аввало ҳол-аҳволдан сўнг қандай янги шеърлар ёзганимни сўроқлайдилар. Адабий ҳаётдаги янгиликлар билан ўртоқлашамиз, фикрлашамиз.

Айниқса ўзаро суҳбатларда менга алоҳида ҳаяжонли таассурот қолдирадиган нарса — Зулфия опа ҳар гал умр йўлдошлари Ҳамид Олимжонни эсга олмай қўймайдилар. У кишининг рафиқаларига нисбатан эътиборли, ғамхўр, меҳрибон, ҳамфикр, ҳамкор, ниҳоятда садоқатли бўлганликларини тўлқинланиб сўзлайдилар: «Мен ёзган барча шеърларимни Ҳамидимнинг ақалли бир кунгина бўлса-да, тирик кўришга алмашардим...»

Зулфия опа билан кўп ижодий сафарларда бирга бўлганимдан суюнаман. Ёдимда, Сурхондарё вилоятидами ёхуд Жиззахдамиди, Ҳ. Олимжон ҳайкалининг очилиши маросимига кетаяпмиз. Машинада қизлари Ҳулкар ҳам ҳамроҳ эди. Зулфия опанинг субҳидамдаги кайфиятларини атр гул хуснига қиёс қилгудек эди. Аммо ҳайкал майдонига йўл олган сари Опа чехрасидан қувонч йўқолиб, булутли осмон қўнгандек туюлди. Бир маҳал Опа унсизгина йиғлай бошладилар. Билмадим, озурда дилларидан, бетин ҳаёлларидан нималар кечмоқда, нималар ўртамоқда эди. Мен ва Ҳулкар аввалига индамадик, майли, кўнгил бўшаганда одам ўзини бироз енгил тортади, деб ўйладик. Қарасак, дув-дув ёш ҳамон Зулфия опа юзларини биллурдек ялтиратиб бормоқда. Онанинг бу қадар изтиробда эзилаётганига фарзанд чидайолмади: «Аяжон, дадам оламдан ўтганларига неча-неча йиллар ўтиб кетди. Эндиликда бу айриликка кўникиб кетишингиз керак эди-ку. Ҳалигача кўз ёш тўкасиз-а», дея таскин беришга уринди Ҳулкар. Бир ёқдан мен давом эттирдим. «Зулфия опажон, Сиз ҳозир яна бир карра абадиятга айланган Ҳамид Олимжон руҳлари билан учрашасиз. Ўзингизни бардам тутишга ҳаракат қилинг».. Шундоқ дейману ҳар икки улуғ шоир ўртасидаги беназир муҳаббатни олқишлагим, яшасин афсонавий муҳаббат! дея овозим борича, баралла ҳайқиргим келарди. Озгинаю созгина умр кечган, аммо йиллар давомида қуёшдек чарақлаган севги-вафо менинг ҳавасимни уйғотарди ва устознинг сиёҳга, тўлқинга айланиб, юракдан томган самимий, оташнафас сатрларини эслаб кетаман...

Қардош ўлкалар ва диёримизнинг турли вилоятларида бўлиб ўтган адабиёт байрамларида Зулфия опанинг миллионлаб мухлислари борлиги ва уларнинг нечоғлик катта муҳаббат билан кутиб олганларининг шоҳиди бўлганман.

Ҳа, улуғ зотларни яратган юрт ҳамиша эъзоз ва ҳурматда, буюкларнинг ўзлари эса бутун олами кабирнинг юлдузларидир.

Айни пайтда Зулфия опа табаррук 80 баҳорни қаршиладилар. Бу ёқда ҳали Ҳ. Олимжоннинг ҳам 80 ёшлик умрлари бор. Зеро бир танда икки жон, икки шеърият яшамоқда.

ЭНГ ЯҚИН ЮЛДУЗ

Энг юксак, энг ёрқин, энг яқин юлдуз,
Кўкнинг Зуҳроси-ю шеър Зулфияси,
Иккингиз эгизак, бир ёлқинли сўз,
Мангуликнинг севган жуфт мадҳияси.

Зуҳро — табиатнинг, Сиз эса элнинг,
Яратган айримас бир бутун баҳри.
Сиз қуёш парчаси бўлиб ҳар дилни
Олов оқимларга тўлдирган наҳри.

Балки камолингиз, устоз — дарддошдан,
Балки шогирдлардан кўнгил барваста
Балки заҳматлардан, сабот, бардошдан
Қалбингиз қалбларга озиқ, пайваста.

Бугун тегрангизда тумонат чечак,
Ҳар бири ўзича сочар ўзга ҳид.
Ҳаётдай давомсиз бу атай-чечак,
Ҳаётдай бир томир устозу шогирд.

Шогирдликни агар ким этса ҳавас,
Сиздайин юлдузни кўзлаши аниқ.
Она бўлмоқ учун Сиздай муқаддас,
Сиздайин юлдузи сўзлаши аниқ.

Муҳаббатда ёнган, ўртанган аёл.
Сиздайин юлдузни излаши аниқ.
Вафода бўлай деб тўкин, баркамол,
Сиздайин юлдузни кўзлаши аниқ.

Бугун ёшингизни этарканмиз тўй,
Ўрик гулларидан битдим гулдаста.
Сизнинг қалбингизга оқса хушнуд бўй —
Демак бу — ўзингиз яратган бўстон!

Гулчеҳра ЖУРАЕВА.

Қалб изҳори

СИЗ — ШАРҚ ОНАСИ

Азизу мукаррама Зулфия опа! Ушбу дил сўзларини қоғозга туширмай ва Сизга йўлламай тура олмадим. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

Сиз бамисоли умри асру асрлар билан ўлчанувчи азим чинорсиз. Чинорнинг илдизлари нақадар чуқур кетса, шох-шаббалари қанчалар қанот ёзса, Сиз ҳам халқимиз қалбида шунчалик теран, чуқур илдиз отгансиз. Сизнинг соянгиздан баҳраманд бўлмаган ватандошимиз йўқ, десам муболағага йўл қўйиб, ошириб юбормаган бўламан.

Сизни умри боқий, яхши китобга қиёс қилгим, менгзагим келади. Зеро, Сиз бамисоли табаррук китобдай ҳар бир хонадонга кириб боргансиз. Сизни ҳамиша уйғоқ, денгиз қаъридаги, чиғаноқлар бағридаги дуру гавҳарларга тенглашни истардим. Ҳали йиллар, асрлар давомида Сиздан, Сизнинг шеъриятингиздан авлодларимиз турфа гуллар терадилар... Улардан чиройли гулдасталар ясаб, йигитларимиз севганларига туҳфалар қилиб, шоду хурсанд қиладилар.

Сизни сервиқор осмонўпар тоғларга, қояларга тенглаштиргим келади... Кузатганмисиз, тоғ қанчалик юксакликка бўй чўзмасин, баҳайбат қадди-қоматга, кўринишга эга бўлмасин ёнида бўлсангиз унчалик кўринмайди, буюклиги сезилмайди... Ҳа, унинг буюклигини, виқорлигини тасаввур эта олмайсиз. Ундан узоқлашганингиз сари ўша тоғнинг кўрки, жамоли, буюклиги, салобати, бўй-басти, тобора юксала боради...

Шеърларингиз ҳам шу тоғ қадар юксак. Чунки улар Зулфия деб аталмиш шоиранинг, бокира онанинг, мўъжизаларга бой аёлнинг олтин сўзлари, дарди рўзлари. Мерос бўлганда ҳам бой, бетакрор мерос. Энг асосийси халқимиз мулкидир.

Сизни она, Ўзбекистонимизнинг онахони десам, мендан ранжиманг. Дарҳақиқат, Сиз она диёримнинг онасисиз. Сиздан қизларимиз, келинларимиз, қиз-жувонларимизу оналаримиз ибрат олгуси, Сизни ўқиб, ўқиб намуна олгусидир. Сиз — ибрат намунаси, ижодингиз — мактаб, шеъриятингиз — дарсхона, ўзингиз табаррук муаллима, мураббия...

Сиз аллақачон миллатимиз фахри, кўрки, шаъни, бўй-басти, обрў-эътибори, эътиқодига айлангансиз!

Ўзбекистон деб аталган, Аллоҳ назари тушган диёр фарзанди бўлиб, жаҳонга танилгансиз. Бунга иймон келтирмоқ учун башариятнинг буюк адиблари Расул Ҳамзатов, Давид Кугултинов, Расул Ризо, Қайсин Қулиев, Чингиз Айтматов, Ўлжас Сулаймонов, Шерали Лойиқ ва яна қанчадан-қанча шоиру адибларга қулоқ солмоқнинг ўзи етарли...

Ҳиндистонда, Туркияда, Россияда, Молдовада, Олтойда, Мўғулистонда, Марказий Осиё мамлакатларию Кавказ олди, Кавказ орти каби хорижий мамлакатларда бўлиб, санъаткорлар орасига киргинимда илк сўз мумтоз ва ҳозирги давр адабиётимиз дарғалари ҳақида гап кетганда биринчи бўлиб Зулфияхоним тилга олинади: «О, Зулфия!?! Буюк шоира», «Зулфия — тинчлик, Шарқ онаси», «Жаҳон шоираси», «Зулфия — мушоира» — мана шоирамизга берилган самимий сифатлар!

Муҳтарама Зулфия опа! «Давраларда «Баҳор келди сени сўроқлаб»дан бошланган суҳбат, баҳс-музокара, мулоқот «Мушоира» билан якунланар экан, қалбимда бир ўзгача ғурур туяман, ўзгача фахрга тўлиб-тошаман. Шунинг учун ҳам Сизга ташаккур, сизга таъзим! Фидойилик, садоқатлилик, сабр-бардошлик, бокиралик, покизалик, оилапарварлик, вафодорликни Сиздан ўрганишсин!

Кичик мактубимни тугатар эканман, халқингиз, оилангиз, фарзандларингиз, невара-чевараларингиз бағрида яйраб-яшнашингизни Оллоҳдан тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром билан,
профессор
Малик МУРОДОВ.

ҲАМИША ТЕРАН ФИКРЛАР

Сеҳрли шеърият оламининг заҳматкаши, зукко қалб эгаси Зулфия опа тафаккурини ҳамиша теран фикрлар, ўйлар ғалаёнга солиб келган. Улар бамисоли анвойи гуллар каби унинг ижод боғидан ўзига муносиб жой олган. Ана шундай доно нақлга бой сатрлари ҳам биз учун ғоятда азиздир...

* * *

Менинг тенгдошларим ҳаётнинг ич-ичига қандай кириб борган бўлсалар, мен ҳам шундай озод ва мустақил меҳнатга чанқоқлик билан ўсдим, келажак куннинг тантанасига муносиб ҳисса қўшиш орзуси билан ўсдим.

* * *

Отам учун ишнинг катта-кичиги йўқ эди. Қудратли олтин қўллар ва саҳий қалбга эга эди у. Мен ҳали-ҳанузгача отамдай бўлишни орзу қиламан, аммо наилож, инсон қалбига кира билиш темирга ишлов беришдан машаққатлироқ; юракни чақмоқ каби аланга олдириш ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермас экан.

* * *

Бизнинг шиддатли, бу қадар нотинч, серташвиш асримизда, шеъриятнинг, поэтик сўзнинг қудрати кўп нарсага қодир. Ва биз, шоирлар, шу фуқаролик масъулиятининг юксак туйғуси билан яшаймиз, уни ҳар қадамда ҳис этиб турамиз...

Шоир айтмоқчи, «шеърият борида одамлар уни пайқамайдилар, йўғида эса бўғиладилар». Шеърият — биз нафас олаётган ҳаво, қалб ҳисларини ва инсоннинг маънавий талабларини иншо этадиган санъат чўққисидир.

* * *

«Шеърият — сен софлик, қудрат, жасорат», — дейди таниқли бошқирд шоири Муса Ғали. Ҳақиқатан ҳам жасорат йўқ жойда шеъриятни пайқамайдилар ҳам, қудрат йўқ жойда эса шеърият ҳам йўқдир.

* * *

Вақт ҳам ижодкордир, у ўз сўзларига, ўз ғояларига янгиянги жилолар беради, фақат ўзига хос тароналарни куйлайди. Бироқ бу таронанинг ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакка қараган уч кўзгуси бор.

Халқаро семинар

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТАЖРИБАЛАРИ ЎРГАНИЛАДИ

Маълумки, мустақил республикамиз қишлоқ хўжалигида туб иқтисодий ислоҳотлар давом этмоқда, ҳамма жабҳада бўлгани каби бозор иқтисодиёти амаллари қишлоқ ҳаётига ҳам чуқур кириб бормоқда. Республикамиз Президенти қайта-қайта таъкидлаганидек, бу жараённи тезлаштириш ва самарали ривожлантиришда жаҳон тажрибаси биз учун дастурул амал бўлиб хизмат қилиши керак.

29 МАЙ куни Тошкент Давлат Аграр университетида иш бошлаган халқаро семинарни ўтказишдан мақсад ҳам ана шу юқоридаги тамойилни амалга оширишдан иборатдир.

Тошкент Давлат Аграр университети республика қишлоқ хўжалик вазирлиги, Жаҳон банкининг Иқтисодий ривожланиш институти билан ҳамкорликда ўтказаётган мазкур халқаро анжуман «Қишлоқ хўжалигида лойиҳалар таҳлили» мавзусига бағишланган бўлиб, унинг дастуридан бозор иқтисодиёти, фермер хўжаликлари бюджетини ташкил этиш ва унинг таҳлили, банк операциялари, қишлоқ хўжалигида лойиҳалар таҳлили услубиятларини сармоя билан таъминлаш масалалари жой олган.

Бу йилги семинар машғулотларида республика Марказий банки, «Тадбиркорбанк» ва бошқа қатор молия-иқтисод муассасаларидан йўлланма билан келган 30 мутахассис билим ва малака оширади. Сарф-ҳаражатларнинг асосий қисмини Жаҳон банкининг Иқтисодий ривожланиш институти ўз зиммасига олган. Университет эса, ўқув жараёнини махсус компьютер кабинетлари ва бошқа хизматлар билан таъмин этади. Хорижий илғор технологияни, замонавий бозор муносабатларини ўрганишга талаб катта. Ҳозиргача семинар машғулотларида қатнашиш учун ташкилотлардан 100 га яқин талабнома тушганлиги фикримизнинг далилидир.

Халқаро анжуман очилишида маъруза қилган Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш статистика Давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Х. М. Мухиддинов, Жаҳон банки Иқтисодий ривожланиш институти таск-менеджери Чандрашикар Ренаде, Жаҳон банки Марказий Осиёдаги худудий ваколатхонасининг қишлоқ хўжалиги ва Орол денгизи муаммолари бўлимининг раҳбари Вернер Ройдер, Голландия Ижтимоий тадқиқотлар институтининг етакчи мутахассиси Пол Ван Дер Вел ва бошқалар ўз нутқларида республика қишлоқ хўжалиги олдида турган ислоҳотларнинг янги босқичи, истиқбол билан боғлиқ турли муаммолар, қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида бозор муносабатларига ўтиш ва бу жабҳада ҳам жаҳон андозалари даражасига эришиш ҳақида батафсил тўхталдилар.

Халқаро семинар икки босқичда 29 майдан 16 июнгача иш олиб боради. Биринчи босқичда лойиҳа таҳлили асослари ўрганилади, иккинчи босқичда эса, дала шароитида вилоятимизнинг Юқоричирчиқ туманидаги «Олга» жамоа хўжалигида янги ерларни ўзлаштириш тажриба лойиҳалари билан танишилади.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

ЗАФАР: КИМ ОШДИ САВДОСИ

Зафарда ўтказилган бу ким ошди савдоси вилоятимизда шу вақтгача уюштирилган шундай тадбирлардан фарқ қиларди. Унда сотишга турли иншоотлар, ер участкалари қатори кўплаб кенг истеъмол маҳсулотлари, қорамоллар ҳам қўйилди. Термосдан тортиб мебел, гиламгача, рўзғор буюмлари, зотли наввос-ғунажинлар ҳам харидорлар эътиборига ҳавола этилди.

Бу ҳол ким ошди савдосининг анча самарали ўтишига ёрдам берди. Биргина Навоий номли жамоа хўжалиги сотишга қўйган бешта ғунажиннинг бошланғич нархи 24 минг сўм қилиб белгиланган бўлса 31 минг сўмга сотилди. «Ғалаба», «Бекобод», Мавлонов номли жамоа хўжаликлари, «Юлдуз», «Истиқлол», «Бўстон» хусусий фермалари ҳам ўз қорамолларини белгиланган бошланғич нархга нисбатан анча қимматга сотди. Бу билан улар бирмунча кўп иқтисодий самара кўрдилар, бундан буён ҳам ким ошди савдосида фаол қатнашажакларини билдирдилар.

М. МАҲМУДОВ.

Ҳосил — 95

ҒАЛЛАГА ЎРОҚ ТУШДИ

Бекобод туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида ғалла ўрим-йиғими бошланди. Бу йил хўжалик мавжуд 900 гектар майдондаги буғдойдан 3,5 минг тонна ҳосил олишни режалаштирган. Айни кунда 4 та комбайн буғдой ўримида қатнашмоқда. Яна 4 таси ишга тушиш арафасида. Комбайнчиларга ўрган ҳар бир тонна ғалласи учун 10 килограммдан буғдой, ҳар бир гектарига эса 25 сўмдан ҳақ тўланмоқда. Далада бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Комбайнчилар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида мусобақа ташкил этилган, у ҳар беш кунда якунлаб борилади. Биринчи ўринни олган механизаторга 500 сўм, иккинчи ўринга эса 400 сўм пул мукофоти берилади. Хўжалик ғалла ўрим-йиғимини 20 кунда тугатишни мўлжалламоқда.

А. РАҲМОВ.

КУНИГА 500 ТОННА САБЗАВОТ

ТОШКЕНТ. Сабзавоткорларнинг фидокорона меҳнатининг илк мевалари шаҳарликлар дастурхонига бориб тушмоқда. Туман хўжаликлари далаларидан ҳар куни 500 тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулотлари йиғиб олинаётир. Иссиқхоналардан чиқаётган помидор, очиқ далада пишиб етилган карам, саримсоқ пиёз, қўкатлар ва бошқа маҳсулотларнинг 30 — 35 тоннаси Юнусоободдаги сабзавот ярмаркасида сотилмоқда. Ярмаркага, айниқса Ғ. Абдуллаев номли, «Ўзбекистон», Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари ўзларининг сара маҳсулотлари билан ҳисса қўшмоқдалар. Ҳар куни эрта тонгда 8-9 машинага юкланган сабзавотлар бозорга келтирилиб, сотиладти.

Шунингдек, хўжаликлар улгуржи савдо идораларига ҳам шартнома бўйича маҳсулотлар етказиб бермоқдалар, ўзларига тегишли фирма магазинлари орқали ҳам шаҳарликларга эртанги сабзавот ва резаворларни мумкин қадар кўпроқ етказиб бериш ҳаракатини қилмоқдалар.

● *Ўзбекистон — Корея*

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

ЎТГАН якшанба куни Юқоричирчиқ туманидаги «Политотдел» жамоа хўжалигида байрамона ва кўтаринкилик руҳи ҳукм сурди. Бу ерга қадрли меҳмонлар келишган эди. Корея Республикасининг пойтахти Сеулдан кўп кишилик делегация ташриф буюрди. Унга Корея Республикаси Парламент аъзоси, Санъатлар ҳайъати раиси Канг Енг Санг бошчилик қилмоқда. Делегация таркибида Корея Республикаси миллий рақс дастаси ҳам бор эди.

Корея делегацияси аъзоларининг Ўзбекистон Республикасида бошланган тиғиз дастурида Тошкент яқинидаги бу хўжаликка бориш учун вақт топилди, албатта. Жамоа аъзолари ўзларининг спортдаги ютуқлари билан машҳур, шунингдек маданият соҳасида ҳам намунали ишлар олиб борилмоқда. Ажойиб ўйингоҳ, ҳашаматли маданият уйи доим гавжум.

Худди шу маданий фаолиятдаги ютуқлар кореялик меҳмонларни ўзига жалб этди. Учрашувга Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси Со Кон И ва элчихонанинг бошқа ходимлари келишди. Меҳмонларни Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Д.Жаҳонгирова, туман ҳокимлигининг вакиллари кутиб олдилар.

Хўжалик маданият уйига ташриф буюрган жанубий кореялик меҳмонлар олдида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бадиий жамоаларининг чиқишлари бўлди. «Камалак» болалар дастаси, «Жемчужина» халқ жамоаси ҳамда «Олтин балиқча» болалар рақс дастаси ўз санъатларини намойиш этди. Тошкентдаги корейс ёш скрипкачиларининг қатнашуви учрашувга янада файз бағишлади. Бадиий жамоаларнинг бу чиқишлари ва улар берган турли-туман концерт дастурлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Учрашув охирида Канг Енг Санг хоним биз билан суҳбатда шундай деди:

— Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Келганимизга фақат уч кун бўлди. Лекин таассуротлар жуда бой ва хилма — хил. Албатта, менинг келишим бежиз эмас. Биринчи навбатда маданий алоқаларни йўлга қўйиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Корея Республикасига ташрифлари, Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга яқинда қилган сафари бунга яшил йўл очиб берди. Эндиликда мен икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқалар тез суръатлар билан ривожланишига қатъий ишонаман.

Политотделликлар берган тантанали зиёфатдан кейин бу хўжаликнинг маданият уйида умумлашган концерт бўлиб ўтди. Корея Республикаси миллий рақс дастаси аъзоларининг чиқишини мезбонлар қизғин олқишладилар. Чунки бу профессионал жамоа Корея Республикаси дасталари ва рақс мактабларининг етакчи ижрочилари ва рахбарларидан ташкил топган. Корейс миллий рақсларини қиёмига етказиб моҳирона ижро этувчи бу санъаткорлар кўп мамлакатларда гастролда бўлишган.

А.ҚУЗИБОЕВ.



Суратларда: Кореялик санъаткорларнинг чиқишларидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД суратлари.

Футбол

ҚАЧОНГАЧА ЮТҚАЗАСИЗ?

«Политотдел» футболчилари мамлакат биринчилигининг навбатдаги 9-турида ўз майдонларида Наманганнинг «Навбаҳор» жамоасини қабул қилишиб, яна мағлубиятга учрадилар. Бу вилоятимиз вакилларининг навбатдаги 7-чи мағлубиятидир. Шу тургача олий табақада бирон марта ҳам ғалабага эришолмаган ягона жамоа «Политотдел» бўлиб турибди. Бор-йўғи икки учрашувни дуранг қилиб, 2 очко тўплаган қишлоқ футболчилари жадвалнинг энг сўнгги поғонасида боришмоқда. Иккинчи вакилимиз «Чирчиқ» жамоасининг ахволи ҳам яхши эмас. Мазкур турда чирчиқликлар Андижонда «Наврўз» меҳмони бўлиб 0:2 ҳисобида енгилишди. «Политотдел»—»Навбаҳор» учрашуви эса 0:1 ҳисобида тугади. Ягона тўпни яқиндагина «Политотдел» сафида ўйнаган, ҳозирда эса «Навбаҳор»га ўтган Олег Шацких киритди.

Мазкур турдаги энг муҳим учрашувлар «Пахтакор» ва «Трактор» ўйингоҳларида бўлди. Мамлакатнинг 3 карра чемпиони «Нефтчи» «Трактор» дарвозасига 37-минутда тўп киритган бўлсада, лекин ғалабани сақлаб қололмади. Учрашувнинг сўнгги минутларида тракторсозлар ҳисобни тенглаштирдилар. «Пахтакор» «Нурафшон» баҳси ҳам 1:1 ҳисобида тугади. Учрашувнинг 80-дақиқасида пахтакорчи Рустам Дўрмонов ҳисобни очди. Меҳмонлар ҳужумчиси Юрий Худоёров вазиятни тенглаштирди. Фарғоналик хакам А. Пивоваров учрашув мухлатини 5-6 минутга чўзди. Меҳмонлар ана шу қўшимча белгиланган вақтда ҳисобни тенглаштирдилар. Натижада бу пахтакорчилар ва унинг мухлислари норозилигига сабаб бўлди. Лекин нима бўлганда ҳам ҳакамнинг сўзи сўзлигини, ўйинни хуштак чалингунча давом эттириш лозимлигини сира унутмаслик даркор. Акс ҳолда бу жамоага жуда қимматга тушиши мумкин.

Шу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: **«Темирйўлчи»—»Динамо»—2:0, АСК — «Машъал»—4:2, «Янгиер»—«Атласчи»— 3:0.**

Шундай қилиб пешқадамлар «Нефтчи», «Пахтакор», «Нурафшон»лар дуранг ўйнаб, 2 тадан очкодан маҳрум бўлишди. Марказий ҳарбий спорт клуби эса Жиззахда «Суғдиёна» жамоасини 1:0 ҳисобида енгиб, 20 очко билан иккинчи ўринга кўтарилди. Пешқадам «Нефтчи»да эса 23 очко бор. 3-ўринни эгаллаб турган «Пахтакор» 18, «Навбаҳор» эса 17 очкога эга.

Навбатдаги тур учрашувлари бугун бўлади.

У. ШАРОПОВ.

ОВЧИ ОВГА ЧИҚДИ...

ТОҲИР ЖЎРАЕВИЧ уй қурадиган бўлди. Бундоқ дўппини олиб қўйиб, ўйлаб кўрган одам ҳозирги пайтда тўртта деворни тиклаб, кучиб киришнинг ўзи бўлмаслигини яхши билади. Негаки, пойдевор учун цемент, шағал, деворига пишган ғишт, тепасига қарров, фанер, шифер дегандек... Хуллас оламжаҳон қурилиш материаллари керак. Булар эса ҳеч қачон текинга келмайди, пулга сотиладиган. Тоҳир Жўраевичда ҳам аслида ана шундай нарса-пул деганидан камроқ эди. Аммо кўли қисқалик қилиб турган бўлса ҳам таваккалчининг ишини худо ўзи ўнглайди, деб бўлажак уйнинг пойдеворини бошлаб юборди.

— Кимсан Ғазалкентдек шаҳардаги 208-қурилиш-таъмирлаш бошқармасида муҳандислик қилаётган бўлса, иморатни бошлаб юборганини кўриб бошқармадагилар ҳам тик қараб турмас, бирор нарсадан қарашиб юборишар. Ё бўлмаса, ғиштними, тошними, ўзи машинага юклаб олиб чиқиб кетса осмон узилиб ерга тушармиди, идорадагилар ҳам ахир бири кўз, бири қош, ўлибдими индашса?

Тоҳир Есенбоев мана шу гапларни кўнглидан ўтказаркан, «Бўстонлик» жамоа хўжалигига қарашли юк машинасини ҳайдайдиган Тўрабой Пирметовга машинани бошқармага олиб келишни илтимос қилди. Шу куниёқ унга олти куб метр шағални юклаб юборди.

— Бошламасига шағал бўла қолсин,— деди у Тўрабойга.— Кейин цемент, ғишт, шиферларга ҳам навбат келиб қолар.

Машинага юк ортаётган Тўрабойнинг эсига ҳужжат тушиб, ийманибгина сўради:

— Шағалнинг васиқаси нима бўлади? Ҳужжатлаштирганмисиз ўзи? Пули ҳам тўланганми? Ахир оз эмас, 630 сўм туради-я? Яна йўлда қўлга тушиб, шарманда бўлмайлик...

— Бўғини ўзимга қўйиб беравер, ҳеч ким ҳеч нарса демайди.

Аммо Тўрабойнинг оғзи бекорга тортмай турмаган экан. Шағални Эски Ғазалкент қишлоғининг Ленинград кўчасидаги 13-уйга олиб келиб тўкаётганда майда талончиликка қарши кураш бўлинмасининг нозирлари келиб қолишди. Есенбоев ўзини у ёққа-бу ёққа солса ҳам бўлмади, ўғирлик ҳужжатлаштирилди. Тоҳир эса ишнинг бу хилда чаппасига кетишини истамасди. Негаки, халқ бекорга «Хатга тушдинг, ўтга тушдинг» демаган. Шундай бўлсада у зора ёрдам беришса, деб бошқармадаги «Бири қош, бири кўз» танишларига умид билан кўз тикиб турибди.

Тоҳир Жўраевичку ҳозир икки машина шағални деб ич-этини еб, тавбасига таяниб юрибди. Аммо Исо Илёсов билан Игорь Трофименколарнинг ўғирлиги бурнидан бўлоқ бўлиб чиқса ҳам парволарига келтиришаётгани йўқ. Сабаби — иккови ҳам тегирмонга тушса бутун чиқадиганлар хилидан эди. Игорь шу билан бешинчи бор қамалиши. Ўтириб чиқавериб эти қотиб кетган, Қуйичирчиқ туманидаги М. Отажонов номли давлат хўжалиги кўрғонида яшайдиган Исо эса икки йилдирки бир ерда ишламайди. Шу сабаблими, улар вилоят сил касалликлари диспансерида биринчи бор учрашганларидаёқ гаплари дарров қовуша қолди.

— Диспансернинг кассасига кириш осон экан,— Игорь Трофименко ўсмоқчилаб гап ташлаган эди, дарров Исо Илёсовнинг кулоғи диккайди:

— Ром панжараларини кўчирсак бас, ичкарига кириб олгач, темир сандиқнинг ҳам бир илożини топармиз,— деб гапни илиб кетди.

Шундай ҳам қилишди. Ярим тунда панжарани бузиб, осонлик билан кассахонага ҳам кириб олишди. Аммо энди кассани ўмармоқчи бўлаётганларида қоровул Шариф Абдурахмоновнинг сезгирлиги ишнинг белига тепиб қўйди. Етиб келган милиционерлар уларнинг икковини ҳам қўлга туширдилар.

Бемавруд кўтарилган ғавғонинг жафосини тортаётган фақат бу икки ўғри эмас. Ангренлик тўрт оғайни талончилар — Алишер Душаев, Хошим Султонов, Баҳром Мадмаров ва Жаҳонгир Анорқуловлар ҳам тунда дўконни боссак биров билан ўтирибдими, деб ўйлаган эдилар. Шундай хаёл билан шаҳардаги 30-дўконнинг ойнасидан кириб, халталарига ҳар хил озиқ-овқатларни босиб чиқаётганларида уларни ташқарида милиция ходимлари кутиб олишди. Тўрт оғайни ўғрилар дўконга кираётганларида ҳамма тасодифларнинг эҳтиётини қилишган экан-у, аммо марказий қўриқлаш бўлимига уланган қўнғироқни ёддан чиқариб қўйишган экан. Ана шу қўнғироқ ишга тушиб, бутун милицияни оёққа турғазди...

Сирасини айтганда мана шундай сабаблар пировардида битай деб турган ишнинг тахирини чиқариб, Элдарни ҳам боши берк кўчага киритиб қўйди. Бўлмаса пулсиз қолган Элдар Толстой ўзини қўярга жой тополмай сандироқлаб юриб, Бекободнинг бозорига кириб қолармиди? Бу ерда Полвонбой Рўзиматов деган ҳамшаҳрининг бир чеккага ўтириб олиб, жарақ-жарақ пул санаётганига унинг кўзи тушди-ю алами келиб кетди. Шуям инсофданми? Элдар дегани бу ёқда бир сўмга зор бўлиб, нима қилишини билмай юрсин-да, Полвон деганлар пул санайверса... Шу ерга келганида Элдар сира ҳам чидай олмади. Тўғри борди-да, Полвон Рўзиматовнинг қўлидан бир даста пулни тортиб олиб, унинг додвойига қарамай йўлида кетаверди. Бироқ у нарироқда қўриқлаш бўлимининг ходимлари турганини кўрмай қолган эди. Қўлга тушиб, гапни ҳар қанча андавалашга ҳаракат қилса ҳам бўлмади. Кўп ўтмай ўзини панжара ортида кўрди...

Энди бир шингил гапни Олмаликдаги маиший кимё корхонасида рўй бераётган воқеалардан эшитинг. Бу ерда кунда-кун ора кимлардир ўғирлик билан завод дарвозасида ушланаётганини эшитавериб корхона директорининг асаби чарчади. Сирасини айтганда бир жиҳатдан унга ҳам қийин, «Хой, бундай қилма, бу-ку завод, ташийверса ҳатто тоғ ҳам чидамайди» деб насиҳат қилиб чарчади. Бунинг устига яна унинг олдида қўл қовуштириб, гапини маъқуллайдиган одамларнинг ўзи қўлга тушиб, шармандаси чиқаётган бўлса директор жигибийрон бўлмай ким ҳам бўлсин. Бир марта-ку туппа-тузук шоферлардан деб юргани — Қаршибой Исломовни аэрозоль олиб кетаётганида ушлаб қолишди. Ундан кейин цех мастери Ўрозбой Тожимуродов деганни, кейин эса шу цехнинг ишчиси Юрий Байнаевни директорга рўпара қилишди. Булар ҳам бир нави экан. Унинг суянган тоғларидан бири, асбобсозлик цехининг бошлиғи Клавдия Кузьминани бир йўла 115 та пўлат пармани халтасига жойлаб чиқиб кетаётганда қўлга туширишди. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр. Келиб-келиб цех бошлиғи ташмачилик билан иснодга қолган бўлса, бошқаларга тўзим бersин.

Корхона раҳбари иш шу ерга келиб тақалгандан кейингина заводда интизом ва назоратни кучайтиришга ва қўриқлаш ишларини давлат қўриқлаш идорасига топширишга ахд қилди. Ахир нима ҳам қилсин, томчи томаверса ҳатто тош ҳам бардош беролмай тешиларкан. Ана энди давлат қоровуллари қаттиқроқ туришса ташмачиларга ҳам инсоф кириб қолар...

Вилоят ички ишлар бошқармасининг талон-тарожликка қарши кураш бўлинмаси бу хилдаги ўғриликлар, талончиликлар ҳақидаги хабарларни таҳририятга кунда-кун ора бериб турибди. Уларнинг айримлари эса юқорида газетхонлар эътиборига ҳавола қилинди. Халқимизда «Овчи овга чиқди кетидан ғовга чиқди» деган гап бор. Ҳар қандай чаккибосар, товонтешар, туллакнусха шахслар осмондагини сапчиб, ердагини қипчиб олиш пайида қанчалик устомонлик қилишмасин, барибир паймоналари тўлиб, тавбаларига таянишларини билиб олишларини истардик. Зеро ўғриликнинг кети албатта хўрлик билан тугайди. Мана шуни эсдан чиқармаслик лозим.

Р. ТУРСУНОВ.

Фельетон ўрнида

«ҚОВУН» БИЛАН «ЖИНОЯТЧИ»

олишуви асримизнинг энг зўр «жанги» бўлади

Дунёдаги эътиборли бокс корчалонлари яқинда қамоқдан чиққан Майк Тайсон билан Жорж Формэн ўртасида мусобақа уюштириш ҳаракатидалар. Пенсионернинг жиноятчига қарши бу «жанг»и (киноя билан шундай дейишмоқда) асримизнинг энг зўр олишуви бўлиб қолади. Сабаби аён. Бокс тарихида у ўртага энг катта пул қўйиладиган ва энг обрўли қураш бўлади.

Буларнинг ҳаммаси тўғри. Негаки ринг ва унинг теварагидаги ҳеч бир воқеа ҳали бунчилик шов-шувга сазовор бўлмаган энди. Унинг орқасида қанчадан-қанча одамлар чўнтагини қаппайтирмоқчи. Бу мислсиз томошада бош ролни 46 ёшли жаҳон чемпиони Жорж Формэн билан урушдан кейинги йилларнинг ўта оғир вазилари орасида энг истеъдодлиси ва жанжалкаши Майк Тайсон ўйнайди. Бу борада профессионал боксчилар ва умуман спорт билимдонлари қўлдан қўймайдиган машҳур «Боксинг иллюстарйтед» нашри бош муҳаррири Бери Шугар билан собиқ жаҳон чемпиони Жо Фрэзер (у Формэнга ютқазган) ва Майкл Спинкснинг (у Майк Тайсонга бой берган) бўлажак «жанг» ҳақидаги фикрлари билан танишиш мароқлидир.

— *Одатда бундай катта миқёсдаги олишувлар матбуотда аксари қандайдир эсда қоларли ном билан аталмаслиги мумкин эмас. Ҳозирданоқ бу олишувни «Қовун» (Формэн) билан «Жиноятчи» (Тайсон) «жанг»и дейишмоқда. Хўш, бу борада бокс «худо»ларининг фикри қандай?*

СПИНКС: Мен ҳали бошқа номни топганимча йўқ.

ШУГАР: Тақводор билан жиноятчи «жанги» деган бўлардим.

ФРЭЗЕР: Ёшликнинг тажрибага қарши олишуви деб атардим.

— *Бўлажак олишув қай йўсинда ўтади?*

СПИНКС: — Тайсон зарба устига зарба бериб, Формэннинг калласига мушт туширмагунча уни қисувга олиб бораверади. Ҳеч ким Майкчалик аёвсиз ва ҳужумкор бокс тушмайди.

ФРЭЗЕР: Рингда яхши ҳаракатлана оладиган ҳар қандай боксчи Формэнга кўп нохушликлар етказа олади. Агар унинг қаршисида сал тўхтаб қолдингми — ўзингдан кўравер, Умуман, мен иккала боксчига кўпроқ маҳоратлари иш беришини истаган бўлардим, боксдаги омад — бир пул.

— *Тайсон озодликка чиқиш арафасида шундай деганди: «Агар мени сешанба куни чиқаришса чоршанбадаёқ Жоржни дабдала қиламан». Формэн Тайсонни 25 март куни турма дарвозаси олдида учратмади, бинобарин «жанг» бўлмади. Мўлжалланаётган олишувга яхши тайёргарлик кўриши учун Майк нима қилиши керак?*

СПИНКС: У маълум вақт кўздан ғойиб бўлиб, Майкл Жексон сингари ҳаммасини унутиши керак.

ФРЭЗЕР: Шошилмаслиги керак ва шиддаткорлигини ўзига қайтаришга ҳаракат қилиши лозим.

— *1973 йилдаги Формэн кучлими ёки 1988 йилдаги Тайсон кучлими?*

ФРЭЗЕР: Формэн — зўр йигит. Менга ишонаверинг, бизнинг биринчи олишувимизда мен олти марта ноклаун бўлганман, ҳар гал бу ерда ўзим нима қиляпман, деб сўрайверганман.

СПИНКС: Бу жуда оғир «жанг» бўларди. Тайсоннинг шиддатли тезлигини эсланг... Очиғи, Жорж ҳам анойи бўлмаган — у Жо Фрэзерни гарданига қанақанги туширганди. Жо яна ташланганди, лекин таппа йиқилганди. Ўша зарбада жуда катта куч натижасини кўрсатганди.

ШУГАР: Формэн ўзидан енгилроқ бошқа рақибларини қандай аҳволга солган бўлса — уни ҳам шундай тинчитарди — Санни Листон сингари у ҳам ҳеч кимга ён бермаган.

— *Агар Тайсон билан Формэн «жанг»и бўлса ким ғалаба қилади?*

ФРЭЗЕР: Мен Жорж голиб чиқишини истардим. Лекин агар Майк формада бўлса у, албатта, ниятига етади.

СПИНКС: Агар Тайсон аввалги Тайсонлигича қолган бўлса у Формэнни енгади. У ҳозир панжарадан чиққан ҳайвон мисоли. У битта аниқ зарба берса — Жорж йиқилади.

ШУГАР: Агар «жанг» уч раундан ортиқ давом этса шундай бир лаҳза келадики, Тайсон лойда турган бошоқдай ағдарилади.

С.МУСАЕВ тайёрлади.

ИККИ БОШЛИ ОНА ВА БОЛА

Во ажабо..!

АҚШнинг Хьюстон шаҳрида яшайдиган икки бошли аёлнинг 3 яшар қўш каллали ўғли бор. У август ойида яна бир фарзандли бўлмоқчи.

— Хомиладорлигимдан ғоят хурсандман, — дейди 32 ёшли Ханна.

— Агар иккинчи болам ҳам икки бошли бўлиб туғилса мендан бахтли она бўлмаса керак.

Ханна 1962 йилда икки бошли, икки бўйинли ва икки умурткали бўлиб туғилди. Ота-онаси уни бегоналарнинг кўзидан яшириб ўстирдилар. Ортиқча шов-шувсиз турмуш қурди. Ўғли Андрю эса 1991 йилнинг 3 февралида онаси сингари нуқсон билан дунёга келди. Фарзандининг икки бошли эканлигини кўрган ота оилани ташлаб кетди. Кейинчалик эр-хотин қонуний тарзда ажрашдилар.

Шифокорлар Ханна бу гал ростмана фарзанд кўришини тахмин қилмоқдалар.

— Иккита бошли бўлиш фожиа эмас, — дейди Андрюнинг тарбияси билан машғул бўлган Ханна. — Қандай аҳволда бўлишингиздан қатъий назар қойилмақом яшашингиз мумкин. Андрю билан буни иккимиз амалда исботлаямиз. Ханна Андрюни ғаройиб мавжудот қилиб эмас, балки оддий инсон қилиб тарбиялаяпти.

Ташкилот нақд пулга ШАКАР СОТАДИ *Бизнинг телефонларимиз: 33-99-15, 36-53-54*

ЭЪЛОНЛАР

Янгийўл «Лаззат» ҳиссадорлик қандолат ишлаб чиқариш жамияти

Барча ташкилотларга мулкчилик шаклидан қатъий назар 35 хилдан ортиқ турдаги қандолат маҳсулотлари — печенье, вафли, карамель, қиём қобиққа ўралган ширинликларни бозор нархидан 45 фоиз арзон баҳода сотади

Маҳсулот ҳақи нақд пулсиз-пул ўтказиш йўли билан тўланади

Лаззат

Жамият манзилгоҳи : Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, «Лаззат» кўчаси, 1 уй

Телефонлар : Тошкент учун (8-260), Республика учун (8-37160) 73892, 75050, 74961, 74962. Факс: 56878, 56759

Корхона қишлоқ хўжалик ташкилотлар, фермерлар ва шахсий хўжаликлардан 1995 йил ҳосилидан, ўрик, олма, тоғолча, шафтоли, олхўри сотиб олиш учун шартномалар тузади. Шунингдек қуруқ мевалар сотиб олади.

Ҳисоб-китоб ўзаро келишув асосида амалга оширилади . Тел. 48-91-60, 48-54-67

«Камила» фирмасининг 0866252-0866275 рақамли йўқолган чек дафтарчаси БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЁШЛАР ДРАМА ТЕАТРИДА

1, 2, 3, 4 июнь соат 18.00 да ПРЕМЬЕРА

БОТИР МУХАМАДХЎЖАЕВ асари

«КИТМИР»

2-пардали комедия.

БОШ РОЛДА

ОБИД АСОМОВ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Артистлар: РАВШАН СОЛИҲОВ, МАТЁҚУБ МАТЖОНОВ, АЗИЗА БЕГМАТОВА ва бошқалар.

Чипталар театр кассаларида соат 10.00 дан 18.00 гача сотилади.

Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0195. 17198 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 21.00. 1 2 3 4 5 6